

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА
ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«Архитектура» факультети

«Ландшафт дизайни ва интерьер» кафедраси

Битирув малакавий иши(лойихаси)нинг

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Мавзу: Намунавий турар жойлар маркази муҳитининг дизайн
ечими

Дипломант: *Акбаров М*

Раҳбар: *Умаров А А*

Маслаҳатчи: *Аджитарова Г*

«Ландшафт дизайни ва интерьер»

кафедраси мудири: *Тугизов Ш.Х.*

Самарқанд-2015

МУНДАРИЖА

1. Кириш	1-3
2. Архитектуравий режалаштириш қисми	4-10
3. Бадиий қисми	11-16
4. Ҳаётий фаолият хавфсизлиги қисми	17-33
5. Экология қисми	34-46
6. Хулоса	47-48
7. Адабиётлар рўйхати	49-50

Иллюстрациялар-4та

К И Р И Ш

Самарқанд муқаддас шаҳар! Унинг архитектураси, тарихий меъморий обидалари, ҳавоси, зилол сувлари муқаддас. Бу шаҳарнинг муқаддаслиги ҳақида тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган. Жумладан, Соҳибқирон Амир Темур ўзининг буюк империясини пойтахти қилиб Самарқандни танлагани бежиз эмас.

Демак бу шаҳар жуда қадим замонлардан табиати, меъёрий иқлими, зилол сувлари, рельефи айниқса архитектураси, - илм ва касб-ҳунар намоёндалари билан кишилар эътиборини ўзига жалб этган.

Демак, Самарқандда қадимдан, яъни ўрта асрлардан илгари ҳам шаҳарсозлик, уй-жой ва шаҳарларни ҳамда инженер-техник тизимларни лойиҳалаш амалиёти мавжуд бўлган. Бунга мисол қилиб Хива, Бухоро ва муқаддас шаҳар ҳисобланиш “Самарқанд”да бунёд этилган қадимий меъморий обидаларни олиш мумкин. Эрамиздан уч аср илгари ўтган А. Македонскийнинг тарихшунослари таъриф этган муқаддас шаҳар Самарқандни ва унинг тарихий-меъморий обидаларини бир кўриш учун бутун дунёдаги кўпчилик киши орзу қилишади.

Меъморчилик аجدодларимиз томонидан қайта - қайта сайқал топиб, бойитилиб бизгача етиб келган ва жуда катта кадр -қиммат топиб келаётган ноёб амалий санъат тури ҳисобланади. Ўрта Осиё меъморчилиги қадим замонларданок дунё маданий тараққиётида салоҳиятли ўрин тутиб келганлиги қадим Самарқанд, Бухоро, Хива тарихий обидалари мисолида намоён бўлиб турибди. Айни пайтда замонавий шаҳарсозлигимиз ва меъморчилигимиз ҳам дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Бунинг боиси шундаки, замонавий меъморчилигимиз ўзининг теран томирларидан қувват олган ҳолда изчил ривожланмоқда ва тобора такомиллашиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бутун Ўзбекистонимизда қад ростлаган кўплаб замонавий иншоотларда ота-боболаримизнинг меъморчилик касбига муносабатимиз, меҳр-у садоқатимиз, ихлос ва эътиқодимиз мужассам бўлиб яққол кўриниб турибди.

Марказ муҳитини

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

Бет 1

замон талаби даражасида бўлиши аввало шу шаҳардаги табиий асосларга боғлиқ. Аҳоли пунктининг материал фонди ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга. Чунки шаҳар ўзининг бутун таркибий қисмлари, турар жой бинолари ва жамоат иншоотлари, саноат комплекслари ва техник қурилмалари, магистраллари ва транспорт воситалари билан фазовий материал муҳитини сифатини яхшилайти ёки аксинча ёмон аҳволга олиб келади.

Марказ муҳитини ташкил этишда асосий тамойил қилиб тўлиқлик ва бўлинмаслик, унинг ҳамма таркибий қисмларини бир - бириси билан узвий боғлиқлигидир. Жиддий аҳамиятга эга бўлган боғлиқ жиҳатлардан яна бири шундаки, одамлар томонидан бу фаолият доимий бошқариб турилади.

Марказ муҳитини меъморий режалаштириш одамлар-нинг ижтимоий фаолиятини оширади. Жамиятнинг тараккий топиши, маданий ривож, техник имкониятлари ва табиий ресурсларини тобора бойиб, талаб даражасига кўтарилишини ифодалаб беради. Меъморий режалаштириш шу боисдан ҳам муҳим давлат аҳамиятига молик иш деб баҳоланади.

Бизнинг давримизда атроф - муҳитни қайта қуриш масштаби шунча кенг доирадаки у ҳозирги мавжуд экологик жараёнларни бузишга олиб келмайди деб бўлмайди. Экология ва табиатдаги эволюцион мувозанат жараёнларини ўргана бориб, шундай хулосага келиш мумкин : одам яратадиган сунъий муҳит кўпроқ унинг ўзига боғлиқ ва шаҳар маданияти ҳам унинг эҳтиёжи ва талабидан келиб чиқади. Бу масала-ларни ечишда ривожланган шаҳарсозлик илмини янада пухта эгаллаш лозим.

Бундай ҳолларда муҳими муҳит мувозанатини бузувчи, ифлослантирувчи, табиий ресурсларни йўқ бўлишига олиб келувчи ҳаракатни тўхтатиш тақоза қилинади.

Вазифа шундан иборатки, табиатда шундай биологик тенглик шароитини топиш керакки у инсон маданияти талаблари ривожига ва шунингдек замонавий шаҳарларни фундаментал ташкил бўлишига қарши чиқмаслиги лозим.

Бундай ҳолларда табиий ҳолат ва урбанизм муҳити ўз тўлалигини ҳар томонлама мураккаб бир - бириси билан боғланган системани ташкил этишга хизмат қилмоғи лозим. Шу мақсад юзасидан таъмирлашга қаратилган чора - тадбирлар мақсадга мувофиқ равишда шаҳарларнинг ресурсларини тўғри тақсимлаш ва фойдаланиш, функционал асосларда бир - бириси билан боғлиқ меҳнат жойлари, турар жой, шаҳар материал фондини қайта қуриш ва турли аҳамиятга молик қурилган ва шаҳарнинг бўш ҳудудларини ободонлаштириш ва фойдала-нишга хизмат қилиши керак.

**АРХИТЕКТУРАВЙЙ
РЕЖАЛАШТИРИШ
ҚИСМИ**

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, бошқа соҳалар каби архитектура ва шаҳарсозликда ҳам катта ўзгаришлар рўй бермоқда, замонавий турар жой иморатлар, транспорт магистраллари, йўллар, осмон ўпар бинолар, саноат мажмуалари қурилиши ва тарихий шаҳарларимизда меъморий обидаларнинг қайта таъмирлаш ва реконструкция қилинган ишлар яққол мисолдир.

Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуслари билан 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилишлари бу республика келажагини, узоқни кўзлаб қилинган истиқболли ташаббус деб ўйлаймиз, қолаверса бу биз каби архитектор-қурувчилар зиммасига катта маъсулият юклайди, чунки бизнинг тадбиркорларимиз фаолият олиб борадиган корхона ёки ташкилот, аynиқса замонавий турар жой уйлари тизимида улар қандай булмоғи лозим ва унинг функциявий жойлаштириш тизими муҳим аҳамият касб этади. Аynи пайтда кичик бизнес ва тадбиркорлик ота-боболаримиздан меърос бўлиб қолган касаначилик, кулолчилик, зардузчилик, темирчилик, заргарлик каби бир қанча соҳалар бизга тарихдан маълумки улар анъанавий халқ уйлари негизида ривожланиб кўллай функциявий ечимларига эга, соғлом турмуш тарзимни шакилланишини боболаримиз меъросидан ўрнатган ҳолда, аynи пайтда замонавий турар жой уйлар тизимида қўллаш энг долзарб масаладир. Ўзбекистоннинг халқ меъморчилиги ўзининг табиий-иқлимий шароитлари, маданияти, миллий анъаналари ва қурилиш техникавий базасидан келиб чиққан ҳолда ривожланиб келган. Илгари ўзбек оилаларининг ижтимоий ва табиий-иқлим шароитлари уйларда ичкари ва ташқари ҳовлилар бўлишини тақозо этган. Ташқари ҳовлида барча хизматга доир ишлар, учрашувлар, хўжалик ва тадбиркорлик ишлари амалга оширилса, ичкари ҳовлида эса оилавий ҳаёт турмуш тарзи кечирилади. Баҳор ва куз фаслининг ёқимли, ёзнинг жазирама иссиқ кунлари очик хавода оила ўз вақтни кўпроқ қисми ўтказишига қулай имкон яратилган. Халқ уйлари композициясининг ўзига хослиги шундаки, биринчи

галда юқори радиоцияли қуёш нурларидан химоя қилса, иккинчидан иссиқ гаремсел, чанг-тузонли шамолларидан химоя қилади.

Халқ меъморлари ва бинокорлари томонидан кенг кўламли структуралар ва уларнинг элементлари, хонадонларининг ҳажмий ташкиллаштириш ва кенг майдонли бўлишини, иқлимий талаблари асосида ишлаб чиқилган. Очик кенг ҳовли париметри бўйлаб хоналарнинг жойлаштириш тартиби ҳам иқлимий шароити ва турмуш тарзи талаблардан келиб чиқади. Тасодифий ўзгаришлар, шакллар участкаларнинг шаклига, қурилишига унча таъсир кўрсатмаган. Бунга ўхшаш кичик чекинишлар асосий лойиҳалаштириш тамоиллардан четга чекинишга йўл қўйилмайди. Бу принцип шундан иборатки, кенг кўламли турар жой уйлар композицияларининг асосини ташқи ва ички ҳовлилар ташкил этади.

Ўзбекистоннинг иссиқ ва қуруқ иқлимида халқ уйларининг кенг кўламли структуралари ва ташкил этилишини таҳлил қилиш шуни курсадаки, халқ уйларининг функциянал ва технологик боғликлигини асосларини яхлит система ташкил этади.

БМИ мавзуси **“Намунавий турар жойлар маркази муҳитининг дизайн ечими”** бўлиб, унда, ижодий изланишлар, янги усуллардан образли мемориал иншоотлар яратишда кенг фойдаланиш зарур. Марказларнинг меъморий кўринишини ташкил қилишда изчил изланишлар олиб бориш тақозо этилади. Фаоллик, янгиликка интилиш, шу билан бирга қадим миллий услубларни замонавий услублар билан уйғунлашган ҳолда ҳаётга татбиқ қилиш лозим. Марказ қурилишлари жараёнида биринчи навбатда эстетик мезонларни унутмаслик, бунинг учун эса тинимсиз изланишлар олиб бориш зарур. Битирув малакавий иш лойиҳаси 240см-160см ўлчамдаги махсус материалда компоновка қилинган. Мавзу билан биргаликда марказ муҳитининг бош режаси, табиий ва сунъий ландшафт элементлари, перспектив ва аксонометрик кўринишлар, топографик харита, панорама кўринишлар ва шу каби меъморий-бадий конструктив чизмалардан ташкил топади.

Замонавий шаҳарларда материал иқтисодий базаларни мустаҳкамлаш билан ва қурилиш муддатларини бутун томонлама индустриялаштириш ва механизациялаш билан йирик шаҳарсозлик комплексларини ташкил қилиш имко-ниятлари пайдо бўлади. Бунда бино ва иншоотларни жойла-шуви очик қатор кўкаламзорлаштирилган фазо билан шундай амалий талабни қондиришни кўзда тутадик, натижада шаҳар қурилишида меъморий - бадий тўлиқлик ва гармоник бирликка эришилади.

Марказ қурилишининг таъмирлаш шароитида, гармоник бирликка эришиш турли композицион омиллар ва унинг айрим қисмларини келишилган ҳолда амалга ошириш билан боғлиқ бўлади.

Марказ қурилишида, фазовий тартибни асосий воси-талари метрик ва ритмик қурилмалар, модуллар ва пропор-ционал бўлақлар ишлатилиши мумкин.

Муҳит қурилишини инженерлик иншоотлари ва техник қурилмаларини меъморий - фазовий чиройлилигини ҳамма воситалардан фойдаланиш ва қўлланиш ривожланаётган шаҳарларни катта майдонларини эстетик ўзлаштириш, уларни айрим қисмларини масштабли ўлчовларда эканлигини кўрсата билиши керак.

Табиий муҳитни меъморий баҳолаш районни режалаштириш босқичида умум чизғилар доирасида кўзланади, бош режа лойиҳаларида ва шаҳарларни детал режалаштириш лойиҳа-ларида аниқланади ва чуқурлаштирилади.

Табиий ландшафтларни қайта қуриш уларнинг асосий хоссалари ва қонуниятчиликлари асосида амалга оширилиши керак, яъни тирик материал ўсимликларни доимий ўзгарувчан, ўсиш шароити, ўсимликни биологик ва экологик хосияти, йилнинг ўзгарувчанлиги ва ўзига хос шароитлари асосида амалга оширилиши лозим.

Марказнинг меъморий бадий сифати сезиларли даражада кучайиши мумкин. Бунинг учун

мақсадга мувофиқ монументал декоратив санъат омилларидан тўла фойдаланиш зарур. Бу авваламбор ҳайкалтарошлик монументлари, улуғ давлат арбоблари ёдгорлик ҳайкаллари, илмий - маданий ва бошқа турдаги жамоат фаолиятидан из қолдирган одамлар сиймолари. Фигурали ҳайкаллардан, монументлардан ташқари меъморий декоратив иншоот ва қурилмалар яратишга ҳам эътибор бериш зарур. Монументнинг катталигини аниқлашда бир қанча шартлар эътиборга олинади: тарихий аҳамияти, ғоявий образли мазмуни, монумент атрофини режалашдаги алоҳидаликлар, уни ўрнатиш учун ажратилган майдон ўлчовлари, транспорт ва пиёдаларнинг монумент ёнидаги ҳаракати шароити. Энг яхши кўринишга эга бўлган, бадиий жиҳатдан сифатли чиқариш имкониятлари ҳам аниқланади ва текширилади.

Ҳар бир ободонлаштирилган, кўкаламзорлаштирилган ҳудуд ўзининг композиция марказига эга бўлиши керак. Композиция маркази бўлиб фаввора ёки гулзори бўлган майдонча, ёки сув ҳавзаси, фавворалар ва гулзор билан қопланган асосий ҳиёбон хизмат қилиши мумкин. Асосий қисмининг яхлит кўриниши билан ва ўзаро тўғри кесишганлик даражаси – мутаносиблик ва кенг кўламлилиқ дейилади. Масалан, агар ҳиёбон кичик бўлса, бу ҳолда унинг четлари тўсилган бўлиши лозим; ҳиёбон ҳажми катта бўлса унга тўсувчи деворлар баланд қилиб қурилади. Гулзорнинг катта-кичиклиги у жойлашган майдон ҳажмига боғлиқ. Гулзордаги ўсимликларни тўплашда эътиборни шунга қаратиш лозимки, гуруҳдаги ўсимликлар баландлиги бўйича секин-аста ўзгариб, бир-бирига уйғунлашиб бориши керак. Ўсимликлар дунёси бекиёс ранг-баранг шакллар, фактуралар ва қиёфага эга.

Ўсимликларнинг манзарабоплиқ хусусиятларининг кўплиги, бунинг устига, вақт ва фасллар доирасида ўз қиёфасини ўзгартириб туриши, шаҳарлардаги боғлар, истироҳат боғлари, ҳиёбонлар ва бошқа ҳудудларнинг архитектура кўринишини ўзгартиришга чекланмаган имкониятларни очиб беради. Экинзорлар шундай бир материалдирки, у алоҳида бинони ёки бир неча биноларни, микрорайон ва мавзеларнинг яхлит кўринишини таъминлайди. Боғлар, истироҳат боғлари, ҳиёбонларнинг яшил экинзорлари, катта йўл ва кўчалар ёқасидаги кўкаламзорлаштирилган йўлкалар шаҳар қисмларини бирлаштириб туради ҳамда шаҳарга гўзал манзара бағишлайди.

ҚИШЛОҚ АҲОЛИ ЯШАШ ЖОЙЛАРИНИ КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ

Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш шаҳарларни кўкаламзорлаштиришга ўхшаш бўлса-да, қишлоқ жойининг режаси билан боғлиқ ўзига хос хусусиятларга эга.

Қишлоқ аҳоли яшаш

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

Бет 8

жойлари қуйидагиларга ажратилади: 1) аҳоли ҳудуди – турар уй жой бинолари, маданий-маиший ва жамоат бинолари; саноат ҳудуди – чорвачилик ва паррандачилик фермалари, омборхоналар, устахоналар ва бошқалар; 2) ташқи ҳудуд – мевали боғлар, томорқалар, сабзавот боғчалари, қишлоқ атрофидаги кичик ўрмон ёки ўрмон парки кўринишидаги ҳимоя ҳудуди ва бошқалар. Аҳоли яшаш пункти билан ҳўжалик – ишлаб чиқариш иншоотлари орасида 30 метрдан 300 метргача кенгликда ҳимоя экинзорлари барпо этилади.

Томорқа ҳудудининг асосий таркибий қисми – ховли-жой майдони бўлиб, у ерда уй, омборхона, парранда ва ҳайвонлар учун кўчалар, асалари уйлари, парниклар, уй олдидаги тўсиқли кичкина мевали боғ, томорқа, газонлар, гулзорлар жойлаштирилади.

Уйлар олдидаги тўсиқли боғчалар бир нечта уйлар каторида жойлашиб, кўча кўкаламзорлаштириш мажмуасига киради. Улар турар уй жой биносини пиёдалар йўлакчаси ва транспорт воситаларидан ажратиб туради. Ушбу дарахтзорлар 4-6 метр кенгликда барпо этилади; улар яшил тўсиқлар билан ўралади; мевали дарахтлар, буталар, гуллар, тоқлар, чирмашиб ўсувчи ўсимликлардан ташкил этилади. Бир неча уйлар буталар ва гуллар экилган газонлар билан ўзаро ажратилиши мумкин.

Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, уйлар орасида очик жойлар бўлиб, уларда газон (чимзор) устига манзарабоп экинзорлар жойлаштирилади ва бу ер транспорт ҳаракатланишидан ҳоли бўлади.

Ишлаб чиқариш комплекси ҳудудлари яшил тўсиқлар билан ўралади. Ҳудуд ичкарасида дарахтлар, буталар ҳамда очик жойларда газонлар экилади. Айниқса, чорвачилик фермалари ҳудудини кўкаламзорлаштиришни синчиклаб ташкил этиш зарур. Кўкаламзорлаштиришнинг асосий тартиботи шундаки, ферма чегараси бўйлаб ҳимоя экинзорлари яратилади, шунингдек, ҳудуд ичидаги бино ва иншоотларни ўзаро ажратиш учун яшил экинзорлар экилади. Масалан, чорва

чиқитлари (гўнг) сақланадиган иншоот атрофи қалин дарахт экинзори билан ўралади (дарахтлар оралиғи 1,5-2 метр).

Шунингдек, дала шийпонлари ҳам кўкаламзорлаштирилиши керак. Буларда токзорлар, гулзорлар, ҳовузлар олдида алоҳида манзарали дарахтлар ёки манзарали ўсимликлардан қаторли ва гуруҳли экинзорлар барпо этиш мақсадга мувофиқ. Қишлоқ аҳоли яшаш пунктларида девор ёқалаб кўкаламзорлаштириш, яъни айвончаларга чирмашиб ўсадиган экинлар билан безатиш; кичик архитектура шаклларида фойдаланиш: посёлкага кириш жойида аркалар, ҳайкалтарошлик намуналари, вазалар, айвончалар ва киоскалар қуриш тавсия этилади.

БАДИЙЙ ҚИСМ

Битирув малакавий иш мавзуси “**Намунавий турар жойлар маркази муҳитининг дизайн ечими**”. Унда: маҳалла марказлари, болалар ўйингоҳлари, спорт майдончалари, бассейн, музқаймоқ павильони, меҳмонхона, ҳаммом, суратхона, декоратив фаввора ва дарахт – буталардан ташкил топган композициялар мавжуд.

Маълумки, қишлоқ аҳоли пунктларининг ижтимоий-иқтисодий ривожини уларни шаҳар билан интеграцияси давлатимизнинг қишлоқ аҳолиси фаровонлигини ошириш ва бу борадаги ишларни такомиллаштириш давлат дастурларининг асосий қисмларини ташкил этади. Қишлоқ аҳолиси яшаш жойларининг сифатли тараққиётини таъминлаш ва натижали ривожланишига эришиш, бу тараққиётни тезлаштириш, уларни жойлашув ва ривожини мақсадли режалаштириш, уни тизимлаштириш ва бошқариш бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан биридир.

Савдо марказлари

Савдо марказлари ҳам ижтимоий турмуш даражаларининг махсули бўлиб, уларда барча хизматлар – савдо, маиший хизмат ва умумий овкатланиш хизматлари бир жойда мужассамлаштирилган бинолар комплексиدير. Савдо марказлари аҳолига катор қулайликлар яратиш билан бир каторда савдо ва маданий-маиший хизмат корхоналари ишларини ташкилий жihatдан яхшилашга имкон беради. Савдо корхоналари, умумий овкатланиш ва маиший хизмат курсатиш тармоқларини ташкил этиш шаҳар ё туманнинг режалаштирилган улчамларига ва аҳолининг сонига боғлиқдир. Савдо марказлари купинча погонали қилиб лойиҳаланади. Унинг биринчи қаватида яшаш учун биринчи навбатда зарур бўлган махсулотлар, иккинчи қаватида маиший хизмат шохобчалари, учинчи қаватида умумий овкатланиш корхонаси жойлаштирилади. Лойиҳалашнинг биринчи талаби мустахкамлик ва қулайлик бўлса, иккинчи бажарилиши зарур бўлган талаб – санитар-гигиеник талаблардир. Махсулотларнинг савдо марказига қелиб тушиши, хизматчилар ва аҳолининг қириб-чиқиш йуллари конкрет алоҳида-алоҳида қилиб лойиҳаланиши шарт.

Маиший хизмат бинолари

Маиший хизмат курсатиш бинолари узининг хизмат турига караб савдо, турар-жой ё бошка бинолар таркибида ва алохида лойихаланган биноларда жойлашади. Корхоналарни жойлаштиришда уларнинг максадли белгиланиши (функцияси) ва технологик хусусиятлари ҳисобга олинади. Масалан электр уй жихозларини таъмирлаш, соат тузатиш устахонаси, сартарошхона, гузаллик салонлари, пойафзал таъмирлаш бошка биноларнинг таркибида жойлашса, ателье, кимёвий тозалаш, хаммомлар ва меҳмонхоналар алохида бинода жойлашади.

Маиший хизмат курсатиш биноларининг таркибий қисмига; буюртма қабул қилинадиган жой, хизматчилар учун дам олиш хонаси, уларга тегишли алохида санитар тармоқлари, асосий ишлаб чиқариш зали, омборхона ва маъмурий хоналар қиради. Буюртмачилар оқими ва хизматчилар йуллари қесишишмаслиги композицион-режавий ечимнинг асосидир.

Меҳмонхоналар маиший хизмат курсатишнинг алохида узига хос тури бўлиб, унда хизмат курсатиш ва қомфортга 1-4 ва олий даражагача бўлади.

Мамлақатимизнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётининг таянч омиллари ҳисобланган аграр масала ва унинг барқарор ривожини ва уни босқичма-босқич тараққий эттириш мамлақатнинг барча ишлаб чиқариш тармоқларига мослаб уйғунлаштирилган ҳолда ривожлантириб бориш мураккаб масаладир.

Шаҳардан узоқ, ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўли автоном равишда шаклланиб келаётган баъзи қишлоқ аҳоли пунктларининг жуда сезиларли даражада орқада қолганининг ҳувоҳи бўласиз

Президентнинг 2009 йил августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ 1167 қарори ижросини таъминлаш йўлидаги саъйи-ҳаракатлар тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қишлоқлар аҳолиси учун турар жойлар қурилиши борасида амалда бўлган тартиб-қонунларни такомил-лаштирди ва бу соҳадаги барча ишларни янги босқичга кўтарди.

Мазкур соҳа бўйича кенг кўламдаги ишларни амалга ошириш учун 2009 йилда “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослашган Шўъба инжиниринг компанияси ташкил этилиб, ҳудудлардан танлаб олинган 42 та қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида 847 та якка тартибдаги уй-жойлар (уй-жой майдони 100,971 минг кв. м) қурилиши бошлаб юборилди. Бугунги кунга қадар бу соҳа давом эттирилиб қишлоқ аҳолисини якка тартибда уй-жой билан таъминлаш давом этиб келмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан бошланган бу ишлар учун улкан пул маблағи ажратилган бўлиб, уларни тўғри сарфлаш, қурилмаларни архитектуравий режалаштириш борасида қатор ишларни амалга оширишни тақозо қилади. Қишлоқларини режалаштиришда шаҳарсозлик қонун қоидаларига хос қишлоқ тараққиётининг истикболлари, муҳит, географик ўрнининг ўзига хослиги, рельефи, аҳоли сонининг зичлиги, миллий урф-одатлари кабиларни олдиндан кўриш ва режавий схемасини мукаммалаштирган ҳолда амалга ошириш лозим бўлади. Бундан ташқари қишлоқ қурилиш ёки реконструктив ишларда уларни эстетик қиёфасини ташкиллаштириш ҳам катта аҳамиятга эга. Қишлоқларни режалаштириш ва барқарор тараққиётини таъминлашда маданий ландшафтнинг яхлитлигини тушунган ҳолда, унинг регионал алоқа тизимлари барча коммуникатив воситалар намунавий схема тармоқларига мосланиш, фазовий кенгликнинг тўғри идрок этилишини талаб қилади. Аҳоли жойлашуви ва тараққиёти бўйича ижтимоий масалаларни самарали ҳал қилиш амалга оширилаётган урбанизациялаштириш жараёни жойларда мақсадли бошқаришни талаб қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, кейинги пайтларда шаҳарлар ҳудудлари ўз чегараларини бетўхтов кенгайтириб, унинг тараққиёти таъсири қишлоқ ҳаёти фаолиятига катта таъсир этмоқда. Бунга сабаб бугунги кунда қишлоқ ва шаҳарнинг интеграцияси табиий равишда ўзаро боғланишига талаб юзага келмоқда. Шунинг учун ҳам бу объектларнинг перспектив ривожланиш масалаларини структурив режалаштиришда қишлоқ инфраструктураси билан уйғунликда бўлиши мақсадга мувофиқ. Қишлоқ жойлашуви инфраструктураси лойиҳаланишида аҳоли пунктини зоналаштириш яъни меҳнат, дам олиш, маиший таътил каби муҳим соҳалари зоналарини тўғри режалаштириш жуда муҳимдир. Қишлоқларни қайта қуришни ташкиллаштириш, унинг эстетик қиёфасини шакллантириш, автоном тараққиётини бартараф этиб, шаҳар билан интеграциялашда табиий, функционал талаблардан келиб чиқиш, аҳоли яшаш пунктларини майдаларини йириклаштириб, қишлоқ жойларни табиий ресурслари ва тарихий маданий потенциалини сақлаб қолган ҳолда экологик, ижтимоий ва иқтисодий масалаларини турғунлашган, мувозанатлашган, комплекслашган янги сифатли поғонага кўтариш лозим.

Аммо бугунги кунда қишлоқ, туман маъмурияти қишлоқ тараққиётида функционаллик, ландшафт ечимида бир бутунлик, қишлоқлар аро структуравий тизимнинг уйғунлиги ҳақидаги тушунчалар устида бош қотирмаганга ўхшайди. Ҳозирги қишлоқлар жойлашувидаги ўта тартибсизлик нафақат унинг эстетик қиёфасини яхшилашга, балким унинг ижтимоий иқтисодий, экологик ҳолатларини ҳам бир тизимга солишга имкон бермайди.

Ўзбекистон шароитида аҳоли сони кундан кунга ўсиб халқ фаровонлиги ҳам кетма-кет ошмоқда. Аммо мамлакатимизда суғориладиган ерлар уй-жой ва йўл қурилиши ҳисобига кескин камайиб, аҳолини керакли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлай олмаяпти. Водийларда мол боқиш учун ажратиладиган далалар йўқ ҳисоби. Бу ҳол бугунги кунда ўз ечимини топиши ва шунингдек (давлат дастурларида) ўз аксини топиши лозим.

Ҳудудларда қишлоқлар,

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

Бет 14

посёлкаларнинг бош режалари уларга яқин шаҳарнинг режалари билан мосланган структуравий ишланмаларни талаб қилади. Демак, фикримизча архитектуравий ландшафт ва тегишли дизайн лойиҳаларини амалга оширишдан олдин жойларда ўрганилиши, ҳар бир ҳудуд ўзига хос демографик таҳлил хулосалари асосида бажарилиши лозим. Бугунги кунни яна бир муаммоларидан бири аҳолиси зич жойлашган қишлоқлар, айниқса катта шаҳарларга яқин аҳоли пунктларида ҳудуд етиштираётган турли маҳсулотларни қайта ишлаш, улардан турли (қуруқ мева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлар) экспорт учун маҳсулотлар тайёрланадиган ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёшларни ўз манзилларидаги турғунлигини таъминлаган бўлар эди. Ландшафтни архитектуравий лойиҳалашда жой аҳолисининг минтелитети, турмуш тарзи, ер майдонлари, сув рельефи ва қўшни аҳоли пунктлари, лойиҳаланаётган ҳудудга яқин

шаҳар, ҳудудий ўзаро интеграциялашган ҳолда бўлишини кўзда тутиш, унинг перспектив тараққиётини таъминланишини эътиборга олиш керак бўлади. Бугунги жамият тараққиётининг жараёни шуни кўрсатадики, шаҳар ва қишлоқлараро кечаётган алоқалар доирасида шаклланаётган тизимлар биз хоҳлаймизми, йўқми кенгайиб боради. Улар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқалар ўз-ўзидан боғланаверади. Аммо бу жараённинг стихияли равишда бўлмасдан, балким режавий шаклланишини бошқаришни, бу тизимларни илмий-режавий асосда ташкиллаштиришни тақозо қилади. Республика қишлоқларининг жойлашуви ва уларнинг ривожланиши анъаналарини ўрганиш шуни кўрсатадики, мавжуд бошқа омиллардан ташқари қишлоқнинг сифатли ривожланиши тўғридан-тўғри шаҳар жойлашуви структураларининг қандай тараққий этганлигига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам қишлоқни қайта қуриш, инфраструктуравий тизимини шакллантиришда унинг ён шаҳари структураларини қандай тараққий этганлиги ва қишлоқ инфраструктураларини ўзаро боғлиқлигига қараб ва қишлоқнинг қандай

ривожланганлик даражасига қараб дифференциал (табақаланган) ҳолда ёндашувни талаб қилади. Унинг архитектуравий ва ландшафт дизайни қиёфаси юқорида айтилган ўзаро боғланиш даражасининг чамбарчаслиги, қишлоқнинг тараққиёт даражасига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган фикр мулоҳазалардан келиб чиқиб, қишлоқни меъморий ландшафтини ва уни тўлдирувчи меъморий муҳит дизайнининг ечими ишлаб чиқариш, саноат объектларини, ижтимоий-маданий масканларни, маориф, бозор ва бошқа структуравий тизимларнинг чамбарчаслигига боғлиқдир.

**ҲАЁТӢЙ ҒАОЛИЯТ
ҲАВҒСИЗЛИГИ
ҚИСМИ**

Диплом лойиҳа иши “**Намунавий турар жойлар маркази муҳитининг дизайн ечими**” мавзусида бўлиб, марказ муҳитининг дизайн ечими масаласи қараб чиқилган.


Диплом лойиҳа ишида қурилиб фаолият юритаётган бинонинг ҳозирги замон муҳандислик талабларидан келиб чиққан ҳолда зилзилабардошлигини, ёнғинга хавфсизлигини ошириш ва ёғин-сочинлардан муҳофаза қилиш қобилиятини яхшилаш чора-тадбирларини ўрганиб чиқиб, реконструкция қилиниб” дизайн ечими кўриб чиқилган.

Қуйида корхона учун меъёрий лойиҳани тайёрлашда ишлатилган климатик параметрлар келтирилган.

Асосий кўрсаткичлар	Белгиланиши	Ўлчов бирлиги	Қиймати
Атмосфера стратификациясига боғлиқ бўлган коэффициент	A		200
Ер рельефининг коэффициенти			1,0
Ҳаврнинг ўртача температураси соат 13 да:			
Энг иссиқ ой учун ташқаридаги ҳавонинг ўртача максимал ҳарорати	T_n	° C	+33,4
Энг совуқ ой учун ташқаридаги ҳавонинг ўртача максимал ҳарорати	T_c	° C	- 3
Шамол тезлиги, 5% такрорланувчанликда аниқ бўлган	U^c	м/с	6
Шамолнинг ўртача йиллик тезлиги	W_{cp}	м/с	2,0
Шамол йўналишининг ўртача такрорланувчанлиги	Ш	%	3
	ШШр	%	7
	Шр	%	36
	ЖШр	%	26
	Ж	%	7
	ЖҒ	%	5
	Ғ	%	10
	ШҒ	%	6

Регионнинг ўзига хос метеорологик ва климатик хусусиятларига кўра, йил давомида атмосфера ҳавосидаги зарарли аралашмаларни тарқалиб-ёйилиб кетишини

қийинлаштирадиган шароит кам кузатилади. Дизайн ечимида хавонинг исиб кетиши, хавонинг совиб кетиши, ер рельефлари, яъни бинонинг зилзилабардошлдиги, хавонинг тезлиги ва шамол йўналиши, қуёшнинг тушиши муҳим ўриннг эгаллайди.



Шунинг учун ҳам диплом лойиҳа ишининг “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” бўлимида биз асосий эътиборни ҳар қандай жойда ҳам, исталган пайтда ҳам содир бўлиш эҳтимоли бўлган зилзилага ва тез-тез юз берадиган ёнғин, портлаш, электр хавфсизлиги, газдан захарланиш, ҳаво ҳароратининг кескин совуб ва исиб кетиши, кучли қор ва ёмғир ёғиши, санитария-гигиена талаблари ҳамда тизимларининг ишдан чиқиши, сув босиши каби офатларга қаратамиз.

Ёнғинлар

Ёнғин – инсонлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи, моддий ва маданий бойликларни йўқ қилувчи офат, назоратдан чиқиб кетган ёниш жараёни.

Ёнғин келиб чиқиши учун қуйидаги уч омилнинг бир вақтнинг ўзида бир жойда бўлиши етарлидир.

- Яъни:
- ёнувчи мода (қоғоз, ёғоч-тахта, нефть ва унинг маҳсулотлари);
 - ёниш манбаи (гугурт, учқун, аланга);
 - оксидловчи (кислорода)

Ёнғиннинг олдини олиш уни ўчиришдан кўра осонроқдир. Қуйида ёнғин хавфи пайдо бўлганда ва юз берганда аҳолининг ҳаракатлари қандай бўлишлиги ҳақида фикр юритамиз:

Ёнғингача бўлган ҳаракат:

1. Ёнғин ва газ хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг.

2. Ёнғин аланга олувчи моддалар ва буюмларни иссиқлик манбаи ёнида сақламанг. Ёнғинлар келиб чиқишининг сабабларини таҳлили тўғрисидаги маълумот қуйидаги жадвалда келтирилган.

Жадвал

Т/р	Ёнғин келтириб чиқарувчи сабаблар	Улуши, %
1	Олов ёки ёнғинга хавфли моддалар билан эътиборсиз муносабатда бўлиши	35 – 45
2	Электр ўтказгичлари ва қурилмаларининг носозлиги	20 – 25
3	Газ билан иситиш тизимларининг носозлиги	8 – 12
4	Болаларнинг шўхлиги-ўйинқароқлиги	6 – 10
5	Атайлаб ўт қўйишлар	5 - 8
6	Инженер-энергетика тизимидаги бузилишлар	5 - 8
7	Бошқа турдаги	5 – 10

Ёнғинларни тез, кенг тарқалиб кетишининг асосий сабаблари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- иншоотлар лойиҳасини ишлаб чиқишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар;

- иншоотлар қурилишида Қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда давлат стандартига риоя қилмаслик;

- ёнғин назорати, газдан фойдаланишни назорат қилиш ходимлари томонидан кўрсатилган, ёнғиннинг олдини олиш тадбирларининг бажарилмаслиги;

- фуқароларнинг ёнғин содир бўлганда ўз вазифаларини билмасликлари ва ваҳимага тушиб қолишлари;

- болаларнинг ёнғин чиқишига олиб келувчи уйинларига катталарнинг бепарволик билан қараши;

- ёнғинга қарши

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

Бет 19

курашда қўлланиладиган ўчириш ва кутқариш воситаларининг етишмаслиги.

Ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирларига қуйидагилар киради:

- ёнғин ва портлашга хавфли бўлган барча объектларни инвентаризациялаш (корхона ёки муассасага қарашли мол-мулкни ҳисобга олиш, рўйхат қилиш), паспортлаштириш ва декларациялаштириш (керакли маълумотларни ўз ичига олган расмий ҳужжат тузиш);

- ташкилот ва муассасаларда доимий равишда давлат махсус текширув идоралари томонидан ёнғин ва портлашнинг олдини олиш бўйича текширувлар ўтказиш, ёнғин чиқиши ва портлашларга сабаб бўлувчи камчиликларни аниқлаш, зудлик билан бартараф этиш ва уларга йўл қўймаслик;

- Қурилиш меъёрлари ва қоидалари, давлат стандартларига доир махсус буйруқларни сўзсиз бажариш;

- ёнғиндан муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари берган кўрсатмаларни бажариш, энг асосийси ёнғинга олиб келувчи вазиятларни махсус кучлар томонидан биринчи навбатда бартараф этиш бўйича қилинадиган ишларни бажариш;

- ёнғинни бартараф этиш чора-тадбирларини билиш, қолаверса ёнғинни ўчириш учун биринчи дақиқада бир пиёла, иккинчи дақиқада бир челак сув етарли бўлишини, учинчи дақиқада эса бир цистерна сув ҳам етмай қолиши мумкинлигини ёдда тутиш;

- аҳолининг барча табақасини мунтазам равишда ёнғиннинг олдини олиш чора-тадбирларини бажариш бўйича ўргатиб бориш.

Ёнғинга қарши курашда ва уни бартараф этишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш катта самара беради:

- ёнғин кенг тус олиб кетмаслиги учун ёнаётган жойнинг теварак-атрофини сув ва бошқа ёнмайдиган қоришмалар ҳамда моддалар билан совитиб, ёнишига йўл қўймаслик;

- ёнаётган ҳудудни кўпик, кукун, қум, қалин мато ва ҳаво ўтказмайдиган бошқа нарсалар билан ажратиб, яккалаб қуйиш;

- ён-атрофдаги барча тез ёнувчи жиҳозларга, иншоотларга махсус кўпик-кукунли, ишқорли сув сепиш;

- ёниш реакциясини кимёвий йўл билан секинлаштириш.

Ёнғин ўчоқларининг пайдо бўлиши ва ёнғиннинг ривожланиши бино-иншоотларнинг ўт (олов)га чидамлилиқ даражаси ва ишлаб чиқариш жараёнларининг ёнғинга ҳавфлилигидан ҳам боғлиқ бўлади.

Барча қурилиш материаллари ўтга чидамлилиги жиҳатидан уч тоифага бўлинади:

- **ёнмайдиган** – бетон, пишиқ гишт, мармар кабилар оловнинг таъсирида ёки юқори ҳароратда ёнмайди, тутмайди ва эримайди;

- **кийин ёнувчан** – бу материаллар юқори ҳарорат таъсирида қийинчилик билан учқунланади, тутайди ва кўмирланади ҳамда олов манбаи бўлгандагина ёнишда давом этади. Буларга ДВП, ДСП ва бошқалар киради;

-**ёнадиган** – буларга ёғоч материаллари, целлюлоза, пластмасса, тол қоғоз, битумлар киради.

Бино ва иншоотлар ўтга чидамлилиги жиҳатидан беш даражага бўлинади:

Жадвал

Ўтга чидам- лилиқ даражаси	Б и н о в а и н ш о о т л а р н и н г қ и с м л а р и			
	Зиналар	Зина ва зина майдонлари	Қоплама тузилишлари	Қоплама қисмлари
I	3соат ёнмайдиган	1соат ёнмайдиган	1соат ёнмайдиган	0,5соат ёнмай- диган
II	2,5соат ёнмайдиган	1соат ёнмайдиган	0,25соат ёнмайдиган	0,25соат ёнмай- диган
III	2соат ёнмайдиган	1соат ёнмайдиган	0,25соат ёнмайдиган	ёнадиган
IV	0,5соат кийин ёнадиган	0,25соат кийин ёнадиган	0,25соат кийин ёнадиган	ёнадиган
V	Ё н а д и г а н			

Амалдаги тартиб ва қоидаларга кўра ёнадиган ва енгил ёнадиган қурилиш материалларининг жамоат жойларида, болалар муассасалари ва шифохоналарда ишлатилиши қатъиян ман этилади

Ўтни ўчиришни дастлабки ускуналари.

Ўтни ўчириш ускуналари: қўлда ишлатиладиган бирламчи воситалар; бир жойда муқим ўрнатиладиган ва механик ёки автоматик ҳаракатга келтириладиган ускуналар; ҳархил масофадаги ҳудудларда ҳаракатланаоладиган кўчма ускуналар ва бошқаларга бўлинади.

Бирламчи ўт ўчириш воситаларига, ташкилот ишчи ва хизматчилари ёки ихтиёрий ёнғин дружина (ИЁД-ДПД) аъзолари томонидан ишлатишга мўлжалланган, ёнғинга қарши «қалқонлар»да изоҳланган оддий асбоблар, махсус енг ва дастаклар билан жиҳозланган ички ўт ўчириш кранлари ва бошқа ускуналар киради.

Маъмурий бинолар ва саноат корхоналарида, ёнувчи ашёлар ва портловчи моддалар сақланадиган омборхоналар ҳудудида, ёнғин хавфи мавжуд бўлган жойларда ўт ўчиришда қўлланиладиган асбоблар ўрнатилган, «ёнғинга қарши қалқон» чизма да акс эттирилган.

Ёнғинга қарши «қалқон» ва ундаги асбобларни ўрнатилиши.

Унда ёнғин хавфсизлиги меъзонларига кўра қуйидаги ўт ўчириш воситалари ва асбоблари зарур бўлганда осон олинадиган қилиб осиб қўйилган бўлиши шарт:

- 2 дона қўлда ишлатиладиган кўпикли ўт ўчиргич;
- 1 дона карбонат- ангидридли ўт ўчиргич;
- 2 тадан мисрон ва илгакли чангаклар;
- 2 та болта; 2 та ёнғинга қарши сув узатгич эластик енглар;
- 2 та махсус тайёрланган конуссимон челақлар;
- 2 та бел курак; 1 та бочкада сув ва 1 та кутида қум ва ҳ.о.




Рис. 60. Пожарный пункт и размещение инвентаря:
1 — песок; 2 — огнетушители; 3 — доска правил пожарной безопасности; 4 — бочка; 5 — рукава; 6 — багры; 7 — ствол пожарный; 8 — доска-график работы ДПД.

Бундай қалқонлар маъмурий биноларнинг ҳовли томонидан, бинога кириш эшигига яқин жойда ўрнатилади. Ишлаб чиқариш корхоналарида, ёнғин хавфи мавжуд бўлган цехлар ва омборхоналарга кириш эшикларига яқин жойларда ўрнатилади. Ҳимояланаётган ҳудуднинг ҳар 5000 квадрат метрига 1 та «қалқон» ҳисобидан лойиҳалаштирилади.

Ундаги сув бочкасининг ҳажми 200 л дан кам бўлмаслиги керак, кум солинадиган кутининг ҳажми эса 2-3 м³ атрофида бўлади.


Ўт ўчирувчи кўпиклар. Кимёвий ёки ҳаволи механик кўпиклар, кўпик ҳосил қилувчи кукунларни суюқ муҳитда эритиш йўли билан ҳосил қилинади. Бунинг учун таркибида жавҳар ўрнини босувчи алюиносулфат $Al_2(SO_4)_3$ билан ишқор ўрнига натрий бикарбонат $NaHCO_3$ моддаларининг курук ҳолатдаги қоришмаларидан тайёрланган кукун, махсус мосламаларда босим остида сувга аралаштириб, эластик қувурларда оқизилади. +ўлда ўт ўчириш балонларида кўпик ҳосил қилувчи жавҳар қисмида, сулфат жавҳари H_2SO_4 ёки сулфат тузи билан оксидланган темир $Fe_2(SO_4)_3$ моддаларининг аралашмаси ишлатилади.

Ёнғин даракчилари ва алоқа тизими

Ёнғинни олдини олиш ва унинг даҳшатли асоратини камайтиришда бош омил сифатида даракчи ускуналар ва тезкор алоқа воситалари хизмат қилади. Ёнғинни олдини олиш мақсадида, унинг келиб чиқиш жараёнларини назорат қилишни пассив ва

актив усулларга бўлиш мумкин. Пассив назорат усули, инсон тафаккури ва унинг интизомига боғлиқ бўлиб, ёнғин ўчоқларини аниқлаш ва ўт ўчирувчиларни 01 рақамли телефон орқали (шаҳар шароитида) ва узлуксиз зангуриш йўли билан (дала, қишлоқ шароитида) ёрдамга чақиришдан иборат бўлади.

Фаол назорат усули эса юқори аниқлик билан ишлайдиган техник воситаларни қўллашга асосланган. Бунда ёнғин ўчоғини аниқлаш ва ўт ўчирувчи хизмат ёрдамини чақириш, одам омилига боғлиқ бўлмасдан, автоматик тезкор тарзда бажарилади. Шу мақсадда, ёнғин хавфи мавжуд бўлган жойларда ёнғинни дастлабки белгиларини аниқлаб марказий бошқарув пултига белгиланган хабарни етказиб берадиган даракчилар ўрнатилади. Даракчилар қўриқланаётган хоналарда ўрнатилган бўлиши ва қоровулхонада ўрнатилган қабул пункти билан алоқа тармоғи орқали боғланган бўлиши керак. Бундай тизимларни ишлаш қобилияти доимий назорат остида бўлиб, ёнғинни «кутиш» тартибида кечади.



Чизма ДТЛ русумли ёнғин дараклагичи

Ёнғин даракчилари ўзларининг ишлаш услубига биноан шартли равишда 4-та гуруҳга, яъни иссиқлик, ёруғлик, газ ва тутундан ишлайдиган турларга бўлинади. Ўзбекистонда илк бор 1960 йилда ҳароратни таъсиридан енгил эриб кетувчи «Вуда» қоришмаси асосида ишлайдиган, ДТЛ русумли ёнғин дараклагичлари ишлаб чиқарилабошланган эди (чиз 32). ДТЛ бир марта қўлланишга мўлжалланган бўлиб, хонанинг ҳарорати 72°C дан ошгандан кейин, унинг марказида

жойлашган, спиралсимон ўтказгични алоқа занжирига боғлаб турувчи, ҳароратга ўта сезгир бўлган махсус қоришма эриб кетиши оқибатида, занжир узилади ва назорат пултига ёнғин хавфи пайдо бўлганлиги ҳақида хабар беради. Битта ДТЛ дараклагичи 15м² гача юзани кўриқлашга қодир.

ДТЛ даракчилари атрофлича ўрганилиб, камчиликларини бартараф этиш мақсадида 1984 йилдан бошлаб мукаммаллаштирилган иссиқлик таъсирида ишлайдиган ИП-101, ИП-102, ИП-103, ИП-104 ва ИП-105 русумли ёнғин даракчилари ишлаб чиқарилабошланди. Буларнинг барчаси кўриқланаётган муҳитнинг ҳарорати 70-72°C дан кўтарилган заҳоти ёнғин хавфи пайдо бўлганлиги ҳақида марказий пултга автоматик тарзда хабар бериш учун мўлжалланган [Л10].

Ер силкиниши (зилзила) ва унинг оқибатлари

Табиий офатлар ичида энг хавфлиси ва даҳшатлиси бу – ер силкиниши(зилзила)дир. Ер силкиниши – ер ости зарбаси ва ер устки қатламининг тебраниши бўлиб, табиий офатлар, технологик жараёнлар туфайли вужудга келади. Ер остки зарбасининг пайдо бўлиш ўчоғи, ернинг остки қатламида узоқ вақт йиғилиб қолган энергиянинг юзага отилиб чиқиш жараёни туфайли юзага келади. Ўчоқнинг ички қисми маркази гипоцентр дейилади, ернинг устки қисмидаги маркази эпицентр дейилади.

Ер силкиниши юзага келиш сабабларига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Тектоник зилзилалар;
- Вулқон зилзилалари;
- Ағдарилиш, ўпирилиш зилзилалари;
- Техноген(инсоннинг муҳандислик фаолияти билан боғлиқ) зилзилалар.

Юқорида айтиб ўтилган ер силкиниши турлари ичида катта майдонга тарқаладигани ва энг кўп талофат келтирадигани тектоник ер силкинишидир. Маълумки, ҳар йили планетамизда 100 000 дан ортиқ ер силкинишларини сейсмик асбоблар(сейсмографлар) қайд этади. Булардан 100 таси вайрон қилувчи фожиа бўлиб,

иморат ва иншоотларнинг бузилишига, ер юзасида ёриқларнинг пайдо бўлишига, минг-минглаб инсонлар ёстиғининг қуришига олиб келади.

Ер силкиниш ўчоғи гипоцентрнинг жойлашган чуқурлиги бўйича зилзилаларни: юзаки – 70 км.гача, ўрта – 70-300 км. ва чуқур – 300 км.дан пастда “мантия” қатламида вужудга келадиган турларга ажратиш мумкин. Республикамизда кузатиладиган зилзилаларнинг ўчоғи асосан 70 км.гача чуқурликларда жойлашганлиги қайд этилган.

Кучли ер силкиниши оқибатида ернинг яхлитлиги, бутунлиги ўзгаради, иншоотлар, жихозлар бузилади, коммунал-энергетик қисмлар ишдан чиқиши, инсонлар ўлими юз беради. Ер қимирлашнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: ер силкиниш ўчоғининг чуқурлиги, силкиниш амплитудаси ва ер силкинишининг интенсив энергияси.

Ер силкинишининг кишилар руҳий ҳолатига бўлган таъсири, иморат ва иншоотларнинг бузилиши, вайрон қилиниши, ер юзасида вужудга келган ўзгаришлар (ер сатҳида ёриқлар ва булоқларнинг пайдо бўлиши) инсонларга юз берган ҳодисаларнинг кучини баҳолашга ўргатган. Натижада нисбий баҳолаш шкаласи пайдо бўлган.

Зилзила кучи икки хил ўлчов бирлигида ўлчанади:

1. Балларда;
2. Магнитудада.

Дунёнинг жуда кўп давлатларида ер силкиниш кучи 12 балли халқаро ўлчов бирлигида ўлчанади.

Балл – ер юзасининг тебранма ҳаракат даражасини кўрсатади. Силкинишкучини балларда ўлчашда “сейсмограф”лардан фойдаланиб, тоғ жинси заррачаларининг тебранма ҳаракат тезлиги топилади. Яъни ёзиб олинган “сейсмограммалар” орқали заррачаларнинг тебраниш амплитудаси аниқланади ва шу асосида сейсмик тўлқин тезланишини қуйидаги формула орқали ҳисоблаб чиқариш мумкин.

$$\alpha = 4\pi^2 A/T^2;$$

бунда, α – сейсмик тўлқин тезланиши, м/с²;

A – тоғ жинси заррачасининг тезланиш амплитудаси, мм;

T – сейсмик тебраниш даври, с;

$$\pi = 3,14.$$

Ер силкинишининг офат ўчоқлари деб, бинолар, иншоотлар ва бошқа хил объектларнинг шикастланиши ва бузилиши натижасида одамларнинг, ҳайвонларнинг ва ўсимликларнинг жароҳатланиши ҳамда ўлими юз берадиган ҳудудларга айтилади.

Иншоотлар кўрадиган талофатлар қуйидагича тавсифланади:

- 1- даражали талофат. Бунда енгил шикастланиш юз беради.
- 2- даражали талофат. Оғир бўлмаган шикастланиш содир бўлади, деворларда катта бўлмаган ёриқлар пайдо бўлади.
- 3- даражали талофат. Иншоотларнинг оғир шикастланиши юз беради, деворларда катта ва чуқур ёриқлар пайдо бўлади.
- 4- даражали талофат. Иморат ва иншоотлар ички деворларининг тўлиқ бузилиши юз беради.
- 5- даражали талофат. Иморат ва иншоотларнинг тўлиқ бузилиши содир бўлади.

Иморат ва иншоотлар конструкцияси ва қурилиш материалларига қараб қуйидагича тавсифланади:

А гуруҳ – хом ғишт, пахса деворли иморатлар;

Б гуруҳ – пишиқ ғишдан қурилган иншоотлар;

В гуруҳ – темирбетон, синчли ва ёғочдан қурилган иншоотлар.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олган ҳолда давлат стандарти (ГОСТ) томонидан иморатлар гуруҳининг ҳар бир балда кўрадиган талофат даражалари қонунлаштириб қўйилган. Жумладан:

6 балл – ер силкиниш жараёнида А гуруҳга мансуб иншоотлар 2-даражали талофат, Б гуруҳи иншоотлари 1-даражали талофат кўради.

7 балл – А гуруҳидаги иншоотлар 3-даражали талофат кўради.

8 балл – А гуруҳидаги иншоотлар 5-даражали, Б гуруҳидаги иншоотлар 3, 4-даражали, В гуруҳидаги иншоотлар 2-даражали талофат кўради.

9 балл – Б гуруҳидаги иншоотлар 4-даражали, шунингдек, В гуруҳидаги иншоотлар ҳам 4-даражали талофат кўради.

10 балл – Б гуруҳидаги иншоотлар 5-даражали, В гуруҳидаги иншоотлар 4-даражали талофат кўради.

11 балл – Б гуруҳидаги иншоотлар тўлиқ қулайди. Тоғ жинсларининг тик ва горизонтал йўналишдаги ҳаракати кузатилади.

12 балл – амалда ер юзасида тик иншоот қолмайди.

Айтиб ўтилган фикрлар у ёки бу балларда ер силкиниши содир бўладиган ҳудудларда қўриладиган талофат даражаси ҳисобга олинган ҳолда, фақат маълум гуруҳдаги иншоот ва иморатлар қурилиши лозим деган сўздир.

Иншоотлар ер силкинишига бардош бериш хусусиятига кўра

3 гуруҳга бўлинади:

А) 7 баллгача чидайдиган кучсиз сейсмочидамли уйлар. Бунга тупроқдан, гиштдан қурилган уйлар киради.

Б) 8 баллгача чидайдиган уйлар. Бу хилдаги уйлар ҳар хил ёғоч каркаслардан тайёрланади(синчли уйлар).

В) 9 баллгача чидайдиган сейсмочидамли уйлар. Бу хилдаги уйларга катта металл каркаслардан тайёрланадиган, темир-бетон конструкциялардан қурилган иншоотлар киради.

Объектларда юз бериши мумкин бўлган шикастланишларнинг кўламини ва хусусиятини башорат қилишда, кўплаб бино ва иншоотларнинг кучсиз шикастланишидан бошлаб, уларнинг бутунлай бузилиб кетишигача олиб келадиган оралик(интервал)даги интенсивликнинг аниқ қийматларини ҳисоблаш мумкин.

Зилзиланинг бино ва иншоотларга механик таъсирлари ҳамда унинг зарарли таъсирларига қарши чора-тадбирлар, зилзила содир бўлганда қандай хатти-ҳаракатлар қилиш зарурлиги тўғрисида мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилган йўлланмалар қуйидагича.

Юқорида айтиб ўтилганлардан хулоса қилинадиган бўлса, мазкур диплом лойиҳа ишини бажариш мобайнида Самарқанд шаҳрининг сейсмоактивлик харитасидан ҳамда бу жойларда бўлиб ўтган зилзилалар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда иш олиб бориш лозим бўлади. Яъни диплом лойиҳасида бинонинг қурилиш жойи, ернинг муҳандислик-геологик маълумотлари ва сейсмоактив ҳудудларда қурилиш ишларини олиб боришда давлат томонидан тасдиқланган қонун-қоидаларга, талабларга риоя қилинмоғи зарур.

ЭВАКУАЦИЯ ЧИКИШ ЖОЙЛАРИ ВА ЙУЛЛАРИНИНГ МИҚДОРИ ВА ЎЛЧАМЛАРИНИ АНИҚЛАШ, ҚМҚ ТАЛАБЛАРИ

Зилзила, ёнғин ва сув тошқинлари каби фавқулодда вазиятлар содир бўлган тақдирда бино ва иншоотларда яшайдиган ёки ишлайдиган аҳолини муҳофаза қилишда катта самарадорликка уларни эвакуация қилиш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам қурилишларни лойиҳалашдаги асосий

вазифалардан бири бу – ФВда бинолардан аҳолини эвакуация қилиш йўллариининг режавий-конструктив ечимини ишлаб чиқишидир.

Бинонинг эвакуация режаси

Ҳар қандай мақсадда қурилган бинолар (яшаш, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш жойлари)да ҳам одамларнинг ҳаракатланишини муҳим жараён деб қараш зарур. Ҳаракатланиш жараёнининг кечадиган шароитидан боғлиқ равишда икки тури мавжуд. Биринчиси одатий ҳаракатланиш, иккинчиси эса—мажбурий ҳаракатланиш. Бино ва иншоотлардаги оддий иш шароитларда кишиларнинг одатий ҳаракатланиши содир бўлади. Фавқулодда вазиятлар шароитида эса кишиларнинг ҳаётига хавф таҳдид солиши сабабли, мажбурий ҳаракатланиш амалга оширилади.

Аҳолини эвакуация қилиш деб номланувчи, мажбурий ҳаракатланиш ўзига хос хусусиятларга эга. Офат(хавф) манбаидан хавфсиз жойга ҳаракатланиб одамларнинг ташқарига чиқишида хонадан-хонага эшиклар орқали, ўтиш йўлаклари ва каридорлар бўйлаб юриб, зинапоялардан тушишига тўғри келади. Бу йўллар ва чиқиш жойлари маълум талаблар бажарилган тақдирда эвакуация йўллари дейлади. Юз берган ФВнинг турига боғлиқ равишда ҳаракатланиш мобайнида одамларга таъсир этувчи хавф ва одамлар оқимининг миқдори ўзгариб боради. Бу ўзгариш биноларнинг мўлжалланиши, одамлар оқимининг таркиби ва турига ҳамда эвакуациянинг босқичига боғлиқ равишда ҳар хил кечади.

Эвакуация чиқиш жойларининг энг кам миқдорини аниқлаш услубини меъёрлар талаблари билан асослаш лозим. Хоналар, қаватлар ва бинолардаги эвакуация чиқиш жойлари миқдори ва умумий кенглиги улар орқали олиб чиқиладиган одамларнинг эҳтимол тutilган энг кўп сонидан ва йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий масофадан, одамлар бўлиши эҳтимоли бўлган, энг узоқдаги (ишчи ўрни) жойдан энг яқин эвакуация чиқиш жойигача бўлган масофадан келиб чиқиб аниқланади.

Қаватдан эвакуация чиқиш жойи, агар унда иккитадан кам бўлмаган эвакуация чиқиш жойига эга бўлиши керак.

Икки ва ундан ортик эвакуация чиқиш жойлари бўлса, улар тарқоқ ҳолда жойлаштирилиши шарт.

Зина катаклари ташқи эшиклари ва зина катакларидан вестибюлга чиқувчи эшиклар эни ҳисоблангандан ёки зинапоя энидан кам бўлмаслиги лозим.

Эвакуация чиқиш эшиклари ва бошқа эвакуация йўлидаги эшиклар бинодан чиқиш йўналишида очилиши керак.

Эшикларнинг очилиш йўналиши куйидагилар учун меъёрланмайди:

- кўп хонадонли ва бир хонадонли уй-жой хоналари учун;
- бир вақтда 15тадан кам одам келиб турадиган хоналар учун, А ва Б тоифадаги хоналардан ташқари;
- санитария тармоқлари учун;
- 3 - турдаги зиналар майдончасига чиқиш учун.

Одамлар оқимининг ҳаракат тезлиги йўл туридан ва одамлар оқими зичлигидан келиб чиқади. Одамлар оқимининг чегаравий зичлигида одамлар тўпланмаслиги учун ҳаракат тезлиги куйидагиларни ташкил этади:

- горизонтал йўл учун 15м/дақиқа
- зина орқали пастга 8м/дақиқа
- зина орқали юқорига 11 м/дақиқа

Одамлар оқими интенсивлиги, эвакуация йўлидаги 1 метр эшик орқали 1 дақиқа ичида ўтувчи одамлар сонини таърифлайди.

Зарурий эвакуация вақти деб, у тугагандан сўнг ёнғин пайтида ишчи минтақада одамлар ҳаёти ва саломатлиги учун ёнишга ҳавфли омиллари пайдо бўладиган вақтга айтилади.

Электрдан жароҳатланганда дастлабки тез ёрдам


Электрдан жароҳатланган кишини дарҳол токнинг таъсиридан халос этиб тоза ҳавога, қуруқ ерга ёки тахта устига ётқизиш лозим бўлади. Агар жароҳатланувчининг нафас олиши ва томир уриши сезилиб турса, уни орқасига қулайроқ ётқизиб, кўкрак тугмаларини ва камарини ечиб тоза ҳаводан нафас олишига ва тинчлигига халақит бермаслик керак. Доим ахволидан, юрак уриши ва нафас олишидан

хабардор бўлиб турмоқ талаб қилинади. Нашатир бўлса ҳидлатиш мумкин. Агар жароҳатланувчи нафас олмаса ёки ўқтин-ўқтин хириллаши сезилса, дарҳол уни оғзини очиб, тилини текшириш зарур, агар тил танглайга тикилиб, нафас йўлини тўсаётган бўлса дарҳол тилини олдига тортиб, кекирдак йўлини очиш керак. Шу тариқа ҳаво йўли очиклиги аниқлангандан кейин сунъий нафас олдириш билан бирга юракни «массаж» қилиш керак бўлади.

Токдан ажратиб олиш

Электр тармоғига уланиб, ҳуш - беҳуш ҳолатда турган одамни қандай қилиб халос этиш мумкин? Бундай ҳолларда 1-расмда кўрсатилганидек, ўчиргич, ажратгич (рубильник) ёки пробкани чиқариб олиш йўли билан токни тез ўчириш керак бўлади (1-расмда 1,2,3). Агар буни имконияти бўлмаса, бирор бир қуруқ ток ўтказмайдиган восита, ёғоч ёки пластмасс таёқ ёрдамида электр симини ажратиш, ёки болта билан кесиб жароҳатланувчини электр занжиридан озод қилиш керак бўлади (1-расмда 4,5,6). Агар борди-ю жароҳатланувчи электр занжирига ўтказгични кафти билан ушлаган ҳолда уланиб қолган бўлса, уни зинҳор мушт ҳолатида симни сиқиб турган панжаларини қўлингиз билан очишга уринманг! Бу ўзингиз учун ҳам хавфлидир, сиз ҳам занжирга уланиб қолишингиз муқаррар! Асаб ва пай толалари қисқариб панжаларни букиб қўйганда уларни қайта тиклаш осон бўлмайди.

Шунинг учун бундай ҳолларда оёққа резина этик, ё калиш кийган ҳолда ёки резина гиламчани токли сим устидан тўшаб, унинг устига оёқ билан чиқиб, жароҳатланувчининг қуруқ енгидан ёки резина қўлқоп кийган бўлсангиз уни билагидан юқорироқ жойидан икки қўллаб куч билан ажратиб олишингиз мумкин.



Электр тармоғига уланиб қолган одамни занжирдан ажратиб олиш

Изоҳ: 1,2,3, -занжирни электр тармоғидан узиб қўйиш; 4.5.6 -занжир таъсиридан

одамни ажратиб олиш.

Бу ишларни бажаришдан олдин ток ўтказувчи ҳамма фаза симларини олдиндан махсус тайёрланган (бу мослама электр хавфи юқори бўлган ҳар бир иш жойида тайёр туриши керак) ўтказгич ёрдамида бирлаштирган қолда жароқатланувчи ётган жойдан энг камида 10 м нарироқдан ерга улаб қўйиш керак бўлади. Бу тадбир одамни токдан ажратиб олиш вақти чўзилиб қолган тақдирда унга таъсир этаётган токнинг кучини қирқади. Натижада

ЭКОЛОГИЯ ҚИСМИ

Диплом лойихасининг мавзуси: : *Намунавий турар жойлар маркази муҳитининг дизайн ечими*

Экология қисми бўйича

Лойиха қилинаётган объект қурилишининг атроф-мухитга таъсирини баҳолаш ва экологик таҳлил қилиш.

Лойиха қилинаётган объект қурилишининг атроф-мухитга таъсирини баҳолашда қуйидагиларни ўрганиб чиқиш ва бажариш талаб этилади:

1.Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойнинг (худуднинг) физико-географик ва иқлим шароитлари;

2.Худуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;

3.Худуднинг тупроғи,ер ости ва ер усти сув ресурслари;

4.Худуднинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси,аҳоли саломатлилиги;

5.Худуднинг мавжуд табиий экологик ҳолатини баҳолаш;

6.Лойиха ечимини ва технологик ечимнинг алтернатив вариантларини экологик таҳлил қилиш;

7.Объект қурилишида атроф-мухитга таъсир этувчи омилларни (кимёвий моддалар,шовкин,табиий ресурслардан фойдаланиш,каттик чиқиндилар) баҳолаш;

8.Қурилиш давомида ва ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган авария (халокатли) ҳолатларни ва уларнинг атроф-мухитга таъсирини таҳлил қилиш;

9.Объект қурилишининг атроф-мухитга таъсир этиш характери;

10. Объект қурилишининг атроф-мухитга салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар ва тақлифлар;

11.Объект қурилишидан сўнг худуднинг экологик ҳолатини олдиндан таҳлил қилиш.

1. Лойиха қилинаётган объект қуриладиган жойнинг (худуднинг) физико-географик ва иқлим шароитлари;

Лойиха қилинаётган объект Самарқанд вилояти Иштихон туманида қурилади.

Объектдан маълум бир масофада хиёбон жойлашган.

Иқлим шароити кескин континентал, заҳарли моддаларнинг биологик фаоллиги таъсири умумий ва маҳаллий.

2. Худуднинг экологик ҳолати ва мавжуд таъсир этувчи манбалар;

Лойиха қилинаётган объект жойлашадиган районда таълим муассасалари жойлашган.

Қурилиш майдонига яқин корхоналар: магистрал кўча ва корхона идоралари.

Бу корхоналардан атроф-муҳитга қуйидаги ифлосланувчи моддалар ва чиқиндилар ташланади: Автомобиллардан чиқадиган заҳарли газлар.

Ундан ташқари тупроқ эрозияси, кимёвий ва минерал уғитлар ишлатилиши таъсирида ернинг кимёвий ифлосланиши.

Автомобил транспортларидан қуйидаги ёқилғи қолдиқ моддалари атмосферага ташланади: 200 хил заҳарли моддалар ва бирикмалар.

3. Худуднинг тупроғи, ер ости ва ер усти сув ресурслари;

Қурилиш жойининг тупроғи: ернинг энг 1,0-1,5 метри ўсимлик чиқиндиларидан иборат унумдор тупроқ, иккинчи пастки қатлами микроорганизмлар, учинчи қатлам минераллардан иборат.

Ер ости сувлари 12 метр чуқурликда жойлашган. Бетон ва қурилиш конструкцияларига нисбатан агрессив эмас. Ер ости суви қорбанатли. Ер ости сувларини ичимлик учун ишлатиш мумкин.

Қурилиш майдонига яқин жойдан ер устки сув ҳавзаси қурилиши мўлжалланган.

4. Худуднинг ўсимлик ва хайвонот дунёси, аҳоли саломатлиги;

Ернинг юқорги унумдор тупроқ қисми шўрланмаган, қучли еррозия қузатилмаган.

Кўп йиллик ўсимликлардан меваги дарахтлар, узум, маданий манзарали дарахтлар (арча, қайин, каштан) тол, терак, акация, заранг, арча ва ҳ.к.

Курилиш райони аҳолиси саломатлиги соғлиқни сақлаш департаменти томонидан берилган маълумотларга мувофиқ республикада учрайдиган кўпчилик касалликлар бўйича фоиз ҳисобида вилоят ва республикадаги кўрсаткичга нисбатан анча паст, лекин баъзи бир касалликлар асаб касалликлари бўйича юқори фоизга эга. Сабаби, шовқин.

5. Худуднинг мавжуд табиий экологик ҳолатини баҳолаш;

Лойиҳа қилинаётган объект қуриладиган жойнинг физико-географик ва иқлим шароитлари, тупроғи, ер ости ва ер усти сув хавзалари, ўсимлик ва хайвонот дунёси, мавжуд таъсир этувчи омиллар ўрганиб чиқилди. Умуман олганда худуднинг мавжуд экологик ҳолати қониқарли, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган манбалар қузатилмади.

6. Лойиҳа ечимини ва технологик ечимнинг алтернатив вариантларини экологик таҳлил қилиш;

Диплом лойиҳаси бўйича
Халқаро технологиялар университети қурилиши режалаштирилган.

Объект бўйича батафсил маълумот: Объект 1 та асосий бино, худуднинг ландшафт дизайни,

бинонинг комплекс дизайн ечими, бино интерьерлари ечими. Объект пойдевори қуйма бетон, девори металл конструкция, ғишт, сендвич панеллар, том ёппа монолит.

Қурилиш жараёни қуйидаги асосий технологик босқичлардан ташкил топади:

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

Бет 36

Курилиш майдони ўлчамларини аниклаш:

- Пойдеворлар учун завур казиш;
- Пойдеворлар тагидаги заминни мустакамлаш ва текислаш;
- Бино деворларини кўтариш ва томини ёпиш;
- Сувок ва пардоз ишларини олиб бориш;
- Электр,сув таъминоти ва табиий газ тармоқларини ўтказиш;
- Кучаларни текислаш ва ободонлаштириш.

Объектнинг умумий ер майдони шундан, кўкаламзорлаштирилган майдон $F_{\text{зел.н}} = _m^2$,курилиш эгаллаган майдон $F_{\text{стр}} = _m^2$,каттик копламали (асфалтланган,плитка ёткизилган ва х.к.)

Объект курилишида лойиха килинган ечимга алтернатив бўлган ечимни экологик нуктаи назаридан таккослаш (масалан,бино томи ёпилмаси лойихада проф.настилдан курилиши кўзда тутилган.Алтернатив вариант-шифердан.Таккослаш:проф.настил-рухланган пўлат лист зангламайди,ранглаш талаб килинмайди,енгил,монтаж ишлари анча тезлашади.Алтернатив вариант-шифер транспартировка ва монтаж вақтида кўп синади.Энг асосийси шифер таркибида асбест моддаси бор.Асбест хавфлилиқ тоифаси бўйича биринчи тоифага мансуб,атроф-муҳитга ва киши саломатлигига салбий таъсир кўрсатади).

7. Объект курилишида атроф-муҳитга таъсир этувчи омилларни (кимёвий моддалар,шовкин,табиий ресурслардан фойдаланиш,каттик чиқиндилар) баҳолаш;

Объект курилишида атроф-муҳитга таъсир этувчи асосий манбалар;

-фойдаланиладиган ернинг маълум бир қисмини курилишга олиш

-курилиш ер майдонининг табиий ҳолати бузилиши;

-ер казиш ва монтаж ишларини бажаришда ҳамда керакли материалларни ташишда транспорт воситаларининг ишлаши натижасида атроф-мухитга кўп микдорда зарарли ёкилги колдик моддалари ва хар хил чанглар ташланади. Ундан ташкари транспорт воситалари шовкин манбаи.

-курилиш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланиш, сув олиш ва окава чиказиш;

-курилишда хар хил кимёвий лок-буёк моддалардан фойдаланиш натижасида атроф-мухитга кўп микдорда кимёвий зарарли моддалар ташланди;

-курилиш давомида кўп микдорда каттик чикиндилар (гишт синиклари, бетон колдиклари, курилиш буюмлари колдилари) хосил бўлади.

а) фойдаланиладиган ер майдони _

б) объект курилишига ва объектдан фойдаланишда олинадиган тоза сув микдорлари ва окава сувлар.

Таъмирланадиган бино томонидан сув таъминоти тармогидан олинадиган сув асосан ичимлик-хўжалик, ёнгинни ўчириш ва ховли ва кўчаларни санитар холатини талаб даражада саклаш, дарахт ва кўкаламзорларни сугориш максидида фойдаланилади.

Фойдаланишга олинадиган сувнинг микдорлари бу ердаги истеъмолчилар сони ва санитар асбоблари билан жихозланиш даражасига боғлиқ ва унинг меъёрий микдорлари 1.1-жадвалда

кўрсатилган.

Ичимлик суви таъмирлаш даврида шаҳар сув таъминоти тармогидан келтирилади.

Курилиш тугагач бу бино хам шу тармокка уланади.

Объект томонидан фойдаланишга олинадиган сувнинг кунлик микдорлари

1.1-жадвал

Тартиб раками	Истеъмолчи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Сув меъёри, л/сут	Сув сарфи, М ³ /сут
1					
2					
3					
4					
5					
6					
	Жами				
7	Кўшимча сарф				
	Хаммаси				

Объектв курилишига сарфланадиган сув микдорини аниклаш

4.2.-жадвал

Ишнинг номи	Ўлчов бирлиги	Иш хажми	Солиштирма сув меъёри, л	Сув миқдори, М ³
Бетон коришмасини тайёрлаш	М ³	120	400	48
Бетонни 6 кун давомида сувлаш	М ³	120	200	24
Заминни зичлаш учун тупрокни намлаш	М ³	144	150	21.6
Гишт териш ва грунтовка учун сувок коришмасини тайёрлаш	М ³	210	200	42
	М ³	1920	100	192
Жами				327.6
Ичимлик сув сарфи, 8 киши х 200 кун х 15 л	киши х кун	1600	15	24
Ювиниш учун сув сарфи	киши х кун	1600	25	40
Жами				64
Сув сарфининг умумий сарфи:				391.6

Агар тармокни ишга тушириш созлаш жараёнда сувнинг бактериологик кўрсаткичлар давлат

Битирув малакавий иши (лойиҳаси)
“Ландшафт дизайни ва интерьер” кафедраси

Бет 40

стандартлари талабларига жаваб бермаса,концентрацияси 100 мг/л булган хлорли сув билан 2 соат мобайнида зарарсизлантирилади.

Канализация мавжудлиги ва окова сувни окизишга кўйиладиган талаблар.Мактабда пайдо бўладиган оковалар маиший характерда бўлиб уларнинг меёрий кунлик микдори $_m^3$,

йиллик микдори эса $_m^3$ ни ташкил килади.Бу оковаларнинг таркиби асосан кум, муаллак моддалар ва органик бирикмаларидан ташкил топади. Уларнинг сифат кўрсаткичлари доимий эмас. Бу оковаларда кумлар – 2 г/киши-сут; муаллак моддалар 40 г/киши-сут, хлор бирикмаларидан 65 г/киши-сут ни ташкил илади.

Курилиш олиб бориладиган майдонда вақтинчалик канализация тизимлари урнатилади. Курилиш тугагач умумканализация тизими курилади ва оковалар тўлик биологик усулда тозаланади. У пайитгача бу оковалар бетон ўраларда тўпланадилар ва ўралар тўлиши билан уларни туман СЭС тамонидан ажратилган майдонга Эльтиб окизилади.

в) транспорт (хом-ашиёларни ташиш,ер казиш, монтаж ишларини бажариш жараёнида)

$$\text{Ер ишларини бажаришда} = P_1 * P_2 * P_3 * P_4 * G * 10^6 / 3600, \text{г/с.}$$

P_1 -тўпрокнинг чангланиши фракцияси P_1

P_2 -аэрозал куринишда ўтадиган чанг фракцияси P_2

P_3 -иш зонасида шамол тезлигини ҳисобга олувчи коэффициент P_3

P_4 -тўпрок намлигини ҳисобга олувчи коэффициент P_4

G-ер иши микдори, т/соат

г) пайвандлаш

Мазкур уй-жой курилиши ва ундан фойдаланишда атмосфера ховзасига зарарли моддалар деярли чикмайди. Бинолар пойдевори завурни казиб, инженерлик

коммуникацияларини мантаж килиш ,тамирлаш пайтларида кам микдорда неорганик чанг, пайвандлаш ускунасидан –пайвандлаш аэрозоли, жумладан MnO_2 . ва кранли автомобилар ис гази, азод оксиди, курум ва хакозалар хавога ажралиб чикиши мумкин, Бу моддаларнинг хавога чикиш микдори шунчалик камки, уларнинг атроф-мухитга салъбий таъсири сезиларли бўлмайди. Курилиш жараёнида ажралиб чикадиган чангнинг микдорини камайтириш максадида тез-тез тупрок намлантирилиб турилади ва техник сув хисобидан амалга оширилади. Масалан биноларда табиий газ ёки сувни ўтказиш пайтида энг кўпи билан 5 кг АНО – 4 маркали эликтрон ишлатилади ва бунинг натижасида 33,6 г пайвандлаш аэрозоли, 3,9 г марганец оксиди ажралиб чикади.Шу иш бажарилишига, 67,2 г/йил, 7,8 г/йил марганец оксиди хавога чиарилади. Бундан кўриниб турибдики, бу ер хавони ифлослантирувчи моддаларнинг микдори санитар – экологик талабларни каноатлантиради.

д) курилиш хом ашё материалларини ортиш-тушириш ва саклаш давомида ажралиб чикадиган ифлослантирувчи моддалар.

-кум,шагал-неорганик чанг

-цемент-цемент чанги

-гишт-неорганик чанг

$$Q=L \times B \times g/100, \text{ т/йил}$$

Бу ерда L-хом ашё материалларининг чанг кўринишида йўкотилиши фоиз хисобида $L=0.21$

B-сакланаётган,ортиладиган-тушириладиган кум,шагал,цемент сарфи, т/йил

g-табиий йўколиши меъёри, % $g=0.15$

е) каттик чикиндилар микдорини аниклаш,уларни тўплаш ва зарарсизлантириш.

-Коллеж фаолияти пайтида пайдо бўладиган каттик маиший чикиндиларнинг умимий йиллик меъёрий

микдори t ёки m^3 ни ташкил килади. Бу чикиндилар инерт чикиндилар бўлиб,мактабнинг шимолий шаркида атрофи 1.8 м баландликдаги девор билан ўралган махсус худуди бетонлаштирилган майдонда жойлаштирилган хажми $1.2 m^3$ бўлган махсус металл кутиларда тўпланади ва шартнома асосида туман ободончилик корхонасига топширилади;

-курилиш пайтида пайдо бўладиган каттик чикиндилар микдори 6.1-жадвалда келтирилган.

Курилиш даврида объектда пайдо бўладиган ишлаб чиқариш каттик чикиндилари

6.1-жадвал

Тартиб раками	Чикиндилар	Ўлчов бирлиги	Меъёр,%	Махс.ми.тн.	Чикинди
1	гишт синкилари	Тонна	0.5		
2	Бетон ва коришма	Тонна	13		
3	Ёоч чикиндилар	М ³	1.5		
4	Халталар	Тонна	0.6		
5	Металл чикиндилар	Тонна	0.5		
6	Пластмасса идишлар	Тонна	1		
	Жами				
	Маиший катти чикиндилар				
7	Ишчилар	Киши	0.083		
8	Супринди	Кг/м ² кун	0.021		
	Жами				
	хаммаси				

8. Курилиш давомида ва ишлаб чиқаришда рўй бериши мумкин бўлган авария (халокатли) ҳолатларни ва уларнинг атроф-муҳитга таъсирини таҳлил қилиш;

Объектнинг қурилиши ва фаолияти даврида содир бўлиши мумкин бўлган халокатли ҳолатлар. Масалан: кум, шагал ёки цемент ташиётган автотранспорт воситасида носозлик туфайли қурилиш материалининг тўқилиши ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар. Ҳавфсизлик чоралари қўрилмаса, бахтсиз тасодифларга олиб келиши мумкин.

9. Объект қурилишининг атроф-муҳитга таъсир этиш характери;

Чанг зарралари инсонлар нафас йўлларида, бурундаги туклар, ва сочларда ушланиб қолади. Шунинг учун атроф муҳитга унинг таъсири салбий.

10. Объект қурилишининг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирлар ва таклифлар; Бинони тўсиқлар билан ўраш.

Мазкур университет қуриш, жихозлаш, ишга тушириш ва эксплуатация қилиш пайтида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- Ер ишлари олиб боришда энг замонавий казиш усули қўлланилади;

- Қурилиш жараёнида ажралиб чиқадиган чангнинг миқдорини

камайтириш мақсадида тез-тез тупрок намлантирилиб турилади;

- Инженерлик коммуникация тармоклари хизмат кўрсатиш учун тиббий қўрикдан ўтган, кудукда техник хизмат кўрсатиш ва техника ҳавфсизлиги қоидаларига мукамал биладиган ва унга амал қиладиган ёши 18 дан кам бўлмаган ишчиларгагина рухсат берилади.

11. Объект қурилишидан сўнг ҳудуднинг экологик ҳолатини олдиндан таҳлил қилиш;

Ҳар бир шахснинг экологик тарбияси – бу умумий таълим тарбиянинг ажралмас қисми. Табиатни севиш, табиат ресурсларидан тежамли фойдаланиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси қонуни Тошкент, 1992-йил.
2. Ўзбекистон Республикасида Давлат экологик экспертизаси тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Табиат муҳофаза қилиш давлат қўмитаси. Тошкент, 2001-йил.
3. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 1993-йил.
4. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни. Тошкент, 1996-йил.
5. Қурилиш меъёрлари ва қоидалари. К М ва К 02.04.01.-97. Бино ва иншоотларнинг сув таъминоти ва канализацияси. Тошкент, 1997-йил.

ХУЛОСА

Қишлоқларда замонавий уйларнинг қурилиши, одамларнинг қишлоққа бўлган меҳрини янада кучайтирди, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади. Кейинги йилларда амалга оширилаётган маъмурий маданий ва иқтисодий ислохотлар натижасида қишлоқлар кўриниши ва турмушида кескин ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Шу боис қишлоқ ҳудудларини меъморий-лойиҳавий қуриш бўйича бош режаларини ишлаб чиқиш, уларнинг иқлими, демографик ҳолати ва бошқа шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда уйлар ва ижтимоий иншоотларнинг намунавий лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда шу лойиҳалар асосида замонавий шаҳар типигаги иморатларни қуриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Молиявий ва моддий ресурсларни тежаш мақсадида қишлоқ посёлкаларининг бош режаларини ишлаш жуда муҳим тадбирдир. Яъни, шу йўналишда битта қишлоқнинг режасини ишлаш ва меъморий режалаштириш унинг ижтимоий ва муҳандислик инфратузилмасини таъминлабгина қолмасдан, уни лойиҳалаштириш ва қуришга сарфланадиган маблағнинг 25-30 фоизга камайишига имкон беради.



Бугунги кунда қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларидаги лойиҳавий ишларни амалга ошириш бўйича “Қишлоққурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамиятда зарур меъёрлар ва қоидалар ишлаб чиқилган. Ҳозирги қишлоқ қурилишини бундан 15-20 йил аввалги ҳолат билан қиёслаб бўлмайди. Одамлар энди яшаш учун ҳар томонлама қулай, шинам уйлар барпо этишга ҳаракат қилишмоқда. Бу эса архитектура ва лойиҳалаш ташкилотлари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Қурилиш лойиҳаларида қишлоқ инфратузилмасининг барча жиҳатлари – кўчалар, йўллар, газ, электр, сув, суғориш тармоқлари алоҳида эътиборга олинмоқда. Йирик қишлоқлар учун эса алоҳида режалар ишлаб чиқилган.

Жамиятимиз бош режаларни тузишда катта тажрибага эга. Ўз навбатида, бу тадбирлар қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини янада яхшилаш имконини беради.

Қишлоқларда қурилаётган уйлар пишиқ, пухта ва албатта авлодларга кўчмас мулк бўлиб қоладиган бойликка айланиши керак.



Ўзбекистон шароитида тураржой уйлари ва хонадонлари қуйидаги асосий хоналар гурӯҳи билан ташкил топган: шахсий яшаш хоналари,



умумоилавий яшаш хонаси, хўжалик хизмат хоналари, шахсий гигиена хоналари, боғловчи хоналар, турмуш ускуналарини сақлаш ва жойлаштириш хоналари. Ушбу хоналар гуруҳидан тузилган тураржойларнинг меъморий композицияси ва режасини маҳаллий талаблар асосида

лойиҳалаш Республикамиз табиий-иқлим шароитида маҳаллий ижтимоий-демографик омиллар, кўп болали оилаларнинг яшаш анъаналари, оила турмуш тарзи ва унинг ёзги яшаш шакли каби ҳал қилувчи омилларга асосий эътиборни қаратиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Айниқса, мустақиллик йилларида қишлоқ инфратизимини яхшилашга қаратилган тадбирлар қисқа муддат ичида Республикамизни аграр ўлкадан ривожланган индустриал мамлакатга айлантирди.

Бу борада 2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги”, 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” йили, 2013 йилнинг “Обод турмуш” йили деб аталишлари муносабати билан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари том маънода тарихий воқеалар бўлди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Буюк ва мукаддасан Мукаддас Ватан. Тошкент 2011 Илмий оммабоп рисола.
2. Ландшафт архитектураси ва дизайни. Сам. 2003й А.С Уралов
3. Адилова. Л. А «Ландшафт архитектураси» 1-кисм Тошкент 2009й
4. Ландшафт архитектураси Адилова. Л.А Укув кулланма Тошкент 2000
5. Архитектура. Маъруза матнлари. М.Махмудов Сам. 2005й
6. “Архитектуравий лойихалаш асослари”.Ўқув қўлланмаси. ТАКИ, 2000 йил.
7. ҚМҚ 2.08.02-96. Жамоат бинолари ва иншоотлари.
(Общественные здания и сооружения)./ Ўзбекистон Республикаси
Давлат Арх. ва Қурилиш қўмитаси. Тошкент, 1995.-232 бет(ўзб.т.-1...99б).
8. Т.М.Махматкулов, Г.Ш.Шомирзаев, А.Райимкулов. «Хаётий фаолият хавфсизлиги» фанидан маърузалар матни. ТАТУ Самарканд филиали. Самарканд-2007. 7-8 бетлар
9. Ғ. Ё. Ёрматов, О. Р. Юлдошев, А. Л. Хамраева. “Хаёт фаолияти хавфсизлиги” (Дарслик), Тошкент, “Адолат” нашриёти, 2009 й.(61-86 бетлар).
- 10.Безопасность жизнедеятельности. Под. ред. С. В. Белова, М, Высшая школа, 2002.
- 11.Х.Рахимова. А.Аъзамов. Т.Турсунов. “Меҳнатни муҳофаза қилиш”, Тошкент, Ўзбекистон, 2003.
12. О. Қудратов, Т . Ғаниев. “Хаёт фаолияти хавфсизлиги”, Тошкент, Меҳнат, 2004.